

## Ғанимат ой



12:25 / 26.05.2017 6151

### Ғанимат ой

*Бу – Қуръон ойдир, амал ойдир, ғаниматлар жамлаш ойдир!*

Охирзамон аломатларидан бири илмнинг кенг тарқалиши, аммо амалларнинг камайишидир.

Ахборот тарқатиш ва алмашиш воситалари ниҳоятда ривожланган замонда яшайпмиз. Аслида инсон Роббига ибодат қилиш, бандалик қилиш учун яратилган эди. Бироқ, асосий бурчимизни, бандалик вазифамизни унутиб, ҳаққимиз бўлмаса ҳам, интернетда қозилик ёки муаллимлик қиляпмиз. Тўғри, булар энг хайрли амаллардан, аммо бу ишни қилиш учун одамда етарлича илм, ваколат ва ҳуқуқ бўлиши керак. Ҳаққимиз бўлмаган

вазифага аралашиб, ўзимизни ҳам, бошқаларни ҳам адаштирамайлик, ўзимизнинг ва бошқаларнинг дини, дунё ва охиратига зарар бериб қўймайлик, Аллоҳ асрасин!

Ҳар бир инсон ўзи чуқур билган соҳада, чуқур илми, етарлича тажрибаси, кўникмаси бўлган соҳада бирор гап айтса ёки қалам тебратса, мана шу мақсадга мувофиқ, шариатга муносиб, тўғри иш бўлур эди.

Моҳи Рамазон ойи улуғ ибодат ойи, Қуръон ойдир. Бу ойда буюк алломаларимиз, етук уламоларимиз ҳам дарсларни бироз тўхтатиб, бошқа долзарб амалларини ҳам камайтириб, ибодатга бел боғлаганлар, Қуръон тиловатига, зикру истифъорга, ҳар банда учун зийнат бўлмиш салавот айтишга киришганлар. Зеро, бу амалда у зотларга улуғларнинг улуғи, сарвари коинот, ҳабибимиз Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам ўрнак бўлганлар. Шундай экан, сизу биз ҳам ибодатдан чалғитувчи барча алоқаларни, муносабатларни, воситаларни узиб, ибодатни кўпайтирайлик, солиҳ амалларга киришиб, еру осмонларнинг Роббига уланиб, У Зотга боғланайлик.

Умр қисқа, вақт эса жуда тез ўтаяпти, Аллоҳнинг ҳузуридаги ҳисоб-китобимизда эса заррача амал ҳам эътиборга олинади.

Интернет тармоғида ёзаётган маълумотларимиз, тарқатаётган хабарларимиз илмий жиҳатдан асоссиз бўлса, бунга охиратда жавобгармиз. Аммо илмий асосга эга бўлса ҳам, Рамазон ойидаги ибодатлар учун зарур бўлмаган маълумот бўлса, уни ёзиш, тайёрлаш ва тарқатишга кетган вақтимизни, бошқаларнинг уни ўқишга кетадиган вақтини зое қилганимиз учун айбдор бўлиб қолишдан қўрқайлик.

Аллоҳ таолодан Рамазони шарифнинг барча фазилатларидан баҳраманд бўлишни, тақвомизни кучайтириб, гуноҳларимизни мағфират қилишини сўраймиз!

**Фозилжон Абдулқайюм**